

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ТАЪСИР МАСАЛАСИ

Акбарова Шахло Ғаниевна

Ўқитувчи, ФарДУ

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Адабий таъсир, талкин, рецепция, маданиятлараро мулоқот, ўзаро алоқалар.

Аннотация

Мазкур мақолада миллий адабиётларнинг ўзига хослиги, уларнинг тарихий ривожланиши ва ўзаро таъсири у ёки бу миллий адабиётни бошқалар билан таққослаш асосида ўрганиш кўриб чиқилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Қадим замонлардан буён ўзбек адабиёти туркий, араб, форс тилида сўзлашувчи минтақалар адабиёти, кейинчалик рус ва Ғарбий Европа адабий анъаналари билан узвий алоқада бўлиб келган ва келмоқда. Зотан, миллий доиралардан четга чиқиб, кенг кўламда фикрлаш, ижодий алоқага киришиш барча даврларда ҳам илғор эстетик қарашнинг асосий хусусияти бўлган.

Маданий-адабий алоқалардаги ўзига хос анъаналар, сўнгги йилларда Ўзбекистонда кузатилаётган халқаро алоқалардаги фаоллик қиёсий адабиётшуносликка, хусусан, ўзаро алоқалар ҳамда таъсир назарияси, амалиёти масалаларига жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Бу борада Н.И.Конрад алоқаларнинг бир бутун адабий жараёндаги кўлами, роли, шунингдек, айрим халқларнинг адабиётлари тарихидаги моҳияти турли даврларда ва ҳар хил тарихий шароитларда турлича эканлигини таъкидлайди.¹ Конраднинг бу фикрлари биз юқорида фикр юритган бадиий рецепция масалаларига ҳам алоқадор бўлиб, адабиётшуносликнинг ривожиди асар рецепцияси қанчалик муҳим эканлигини яна бир бор англаб етишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам адабий алоқаларни тадқиқ этиш, ўзаро таъсир назарияси, асар талқини ва унинг рецепцияси масалаларини тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

XXI аср бошларидаги иқтисодий-ижтимоий, маданий-эстетик жараён ўзаро алоқаларга, хусусан, таъсир масаласига жиддий ёндашувни тақозо этмоқда. Маълумки, тараққиётнинг янги босқичида ўзбек миллий тафаккур йўсининга умумжаҳон ижтимоий онгидаги турли йўналиш ва оқимлар таъсир кўрсатди². Жаҳон халқлари ўртасида тарихан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда алоқалар, ижобий ўзлаштиришлар мавжуддир. Шунинг учун ҳам бу жараённи таҳлил қилиш ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди, балки мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий соҳаларда интеграция авж олаётган бугунги кунда янада муҳим ҳисобланади. Қиёсий адабиётшуносликда эса тўғридан-тўғри ёки контакт алоқалар миллий адабиётлар ёки маълум

¹ Конрад Н.И. Запад и Восток. – М.: Наука, 1972. – С.319.

² Қосимов А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари. Фил.фан.док.дисс. – Ф., 2007. – Б.32

бир давр адабий жараёнига кўрсатадиган реал таъсири жихатидан марказий ўрин эгаллайди.

Қиёсий адабиётшуносликда тўғридан-тўғри ёки контакт алоқалар миллий адабиётлар ёки маълум бир давр адабий жараёнига реал таъсири жихатидан марказий ўрин эгаллашини эгаллайди. Демак, қиёсий адабиётшунослик соҳаси, миллий адабиётларнинг ўзига хослигини, уларнинг тарихий ривожланишини ва ўзаро таъсири у ёки бу миллий адабиётни бошқалар билан таққослаш асосида ўрганишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ҳам жуда қадим замонлардан бери кўплаб мамлакатлар билан иқтисодий-ижтимоий ва илмий алоқа бўлиб, бу алоқалар натижасида жаҳон маданиятини бойитишда Хитой ва Хиндистон, Юнонистон ва Эрон ўлкалари қатори ўз хиссасини қўшган. Абу Али ибн Сино, Фаробий, Хоразмий, Абу Райхон Берунийлар бой ва серқирра илмий мерослари билан кейинги давр жаҳон цивилизациясига улкан таъсир кўрсатган буюк алломалардир. Хусусан хазрат Навоийнинг туркий тилда яратилган “Хамса”си таркибига кирган дostonлар озарбайжон, турк, уйғур, форс, хинд шоирларига кучли таъсир кўрсатган. Кейинчалик эса айнан мана шу тиллар адабиёти Заҳириддин Бобурга ўз таъсири ўтказган ва Бобурийлар сулоласи даврида юзага келган ва ривожланган санъат ва адабиёт хинд халқи ҳаётида катта роль ўйнади. Навоий туфайли ўзбек адабиёти Шарқдаги барча адабиётлар, йирик санъаткорлар билан кенг миқёсда алоқага киришиб, раvнак топди.³

Тарихдан барчамизга маълумки, Ўрта Осиё ерлари Россияга қўшилгандан кейин рус ва ўзбек маданияти ва адабий алоқалари ривожланиб, халқимиз адабиётсеварлари Белинский, Пушкин, Крилов, Лермонтов, Толстой, Чехов каби буюк рус ёзувчиларининг ижодларидан бархаманд бўлиш имкониятлари кенгайди. Бу гигант ёзувчиларнинг улкан асарлари нафақат оддий китобхон балки, ўзбек ёзувчилар учун нақадар илҳомбахш бўлганини улар таъсирида яратилган асарлар мисолида кўришимиз мумкин. Хусусан Ойбек Пушкин асарларига мафтун бўлиб, улардан таъсирланганини эътироф этган бўлса, Абдулла Қаххор эса Чеховни ўз устози сифатида кўришини айтиб, ўзининг “Бемор”, “Анор”, “Ўғри” “Томошабоғ” каби ҳикоялари айнан Чехов таъсирида ёзилганлигини тан олади. Бу борада Абдулла Қаххор шундай деган эди: “Антон Павлович ҳаётбахш баҳор куёшидек илиқ нур сочиб, ўзбек тупроғида хилма-хил талантларни ундирган рус халқининг буюк вакилидир”⁴.

Бугунги кунда ўзбек ёзувчиларимизнинг энг машҳур асарлари кўплаб тилларга таржима қилиниб, Болгария, Польша, Чехословакия, Россия, Франция ва Германия Республикасида тобора оmmалашиб, ўз китобхонларини топмоқда. Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён”и билан, Ойбек “Қутлуғ қон” ва “Навоий”си билан, Абдулла Қаххор новеллалари ва “Синчалак”и билан, Ғ.Ғулom, Ҳ.Олимжон, Шайхзода, Миртемир, Зулфия лирик асарлари билан, шунингдек кўплаб ёзувчиларимиз ўз асарлари билан 14 та республика, қанчадан-қанча автоном республика хонадонларига кириб борганлар.⁵ Бугунги кунга қадар, ёзувчиларимиз ҳамма миллатлар ва элатлар билан уларнинг ўз тилида гаплашмоқдалар.

Шу ўринда адабий алоқаларнинг барча турларида, у хоҳ адабий таъсир бўлсин, хоҳ ҳамкорлик ришталари бўлсин, таржиманинг ўрни бекиёс эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунончи, Ғ.Саломов ҳам ўз даврида таржима муаммоларини адабий алоқа масалаларидан мустақил ҳолда ўрганиш мумкин-у, аммо адабиётларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсирини бадиий таржимасиз тасаввур этиш қийин эканлигини эътироф этган. Бу эътироф бежизга айтилмаган, таржима икки маданиятнинг ўзаро алоқаси, тиллар, маданиятлараро коммуникация жараёни ҳисобланиб, унинг воситасида миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсир жараёни тезлашади.

³ Адабий алоқалар ва таъсирлар. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 2-том. – Т.: Фан, 1979,- Б. 75

⁴ Қаххор Абдулла. Асарлар. 6 томлик. 6-том. Т.: 1971. Б.282

⁵ Адабий алоқалар ва таъсирлар. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 2-том. – Т.: Фан, 1979,- Б. 79

Адабиётшуносликда адабий таъсир масалаларини ёритар эканмиз, бу борада, француз адабиётшунос олими Поль ван Тигем фикрларини келтириб ўтшни жоиз деб топдик. фикрига кўра айнан “таъсир” киёсий адабий тадқиқотларнинг асосини ташкил этади. Тигем “Бадиий асарларнинг мазмуни ва шакли, бир вақтнинг ўзида бошқа ёзувчилар асарларга таъсир қилиши ёки уларнинг асарларини ўзлаштиришлари мумкин. Бу бир хил жараённинг икки томони эканлигини англатади. Хорижий адабий "таъсирлар" ёзувчиларга ўзларининг "фикрлаш ва ҳис қилиш усули" ни ривожлантириш ва шакллантиришга ёрдам бериши мумкин”⁶, деган ғояни илгари суриб компаравистлар ёритган “адабий таъсир” тушунчаси ёнига “асар мазмунини ўзлаштирилиши” тушунчасини олиб кирди. Тигемнинг фикрларига кўра, таъсир бир вақтнинг ўзида ўзлаштириш ва усиз у содир бўлиши мумкин эмас.

Демак, киёсий адабиётшунослик соҳаси, шунингдек, миллий адабиётларнинг ўзига хослигини, уларнинг тарихий ривожланишини у ёки бу миллий адабиётни бошқалар билан таққослаш асосида ўрганишни ўз ичига олади.

Киёсий-тарихий метод умумжаҳон адабий жараёнини тадқиқ этганда ижтимоий-тарихий тараққиётнинг ривожланиш қонуниятларига асосланади. Чунки тарихий жараён ҳар бир географик минтақа доирасида ўзига хос белгиларга эга бўлгани ҳолда, бир қатор умумий қонуниятларга ҳам эгаки, айнан шу қонуниятлардан келиб чиқиб турли халқлар адабиётларини киёсий аспектда ўрганиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда адабиётлар ўртасидаги алоқалар, хусусан, типологик ўхшашликлар, таъсир ва талқин масалалари маданиятлараро мулоқотнинг ажралмас қисми сифатида ўз долзарблигини йўқотмайди.

Фойданилган адабиётлар:

1. Конрад Н.И. Запад И Восток. – М.: Наука, 1972. – С.319.
2. Қосимов А. Типологик Ўхшашликлар Ва Ўзаро Таъсирнинг Назарий Муаммолари. Фил.Фан.Док.Дисс. – Ф.,2007. – Б.32
3. Адабий Алоқалар Ва Таъсирлар. Адабиёт Назарияси. 2 Томлик. 2-Том. – Т.: Фан, 1979,- Б. 75
4. Қахҳор Абдулла. Асарлар. 6 Томлик. 6-Том. Т.: 1971. Б.282
5. Адабий Алоқалар Ва Таъсирлар. Адабиёт Назарияси. 2 Томлик. 2-Том. – Т.: Фан, 1979,- Б. 79
6. Моретти Ф. Дальнее Чтение// Издательство Института Гайдара, 2016 Г.
7. Askarova, S. I. (2019). Bilingualism And Polylingualism: Aspect Of Linguistics Combining Different Sociocultural Communities. International Journal Of Student Research, (3), 76-79.
8. Ismailovna, A. S. (2021). Phonetic Interference Of Vowel Phonemes In Uzbek-Russian And Uzbek-German Bilingualism. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(4), 831-836.
9. Askarova, S. (2020). German Borrowings At The Level Of Vocabulary In The Conditions Of Uzbek-German And Uzbek-Russian Bilingualism (In Conditions Covid-19). European Journal Of Molecular And Clinical Medicine, 2943-2953.
10. Askarova, S. 2. Überblick Zur Tätigkeit Von Josef Haslinger. In Conference Paper “Modern Approaches And Methods Of Teacher Training” For German Language Teachers (P. 3).
11. Аскарлова, Ш. И. Роль Первого Языка В Усвоении Детьми–Билингвами Системы Множественного Числа Имён Существительных Немецкого Языка.

⁶ Моретти Ф. Дальнее чтение//

12. Аскарова, Ш. И. (2017). Использование Интерактивных Методов Преподавания На Занятиях Иностранного Языка. *Актуальные Научные Исследования В Современном Мире*, (5-2), 29-32.
13. Аскарова, Ш. И. (2022). К Вопросу Грамматической Интерференции При Узбекско-Русском И Узбекско-Немецком Билингвизме. *Архив Научных Исследований*, 2(1).
14. Asqarova, S. I. (2020). Terminology Of The Direction Of Language Contacts In Modern Linguistics. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(11), 234-239.
15. Mamadodilovna, M. N. (2021, November). Strategies For The Development Of Oral Speech In German. In *Archive of Conferences* (Vol. 22, No. 1, Pp. 93-95).
16. Mamadodilovna, M. N. (2022). Einsatz Der Kommunikationsstrategien Für Die Förderung Des Sprechens Im Daf-Unterricht. *Berlin Studies Transnational Journal Of Science And Humanities*, 2(1.5 Pedagogical Sciences).
17. Мерганова, Н. & Кодиров, Ш. (2017). Использование Песен На Уроках Иностранного Языка. *Актуальные Научные Исследования В Современном Мире*, (5-2), 61-64.
18. Mamadodilovna, M. N. (2021, November). Strategies For The Development Of Oral Speech In German. In *Archive of Conferences* (Vol. 22, No. 1, Pp. 93-95).
19. Mamadodilovna, M. N. (2022). Einsatz Der Kommunikationsstrategien Für Die Förderung Des Sprechens Im Daf-Unterricht. *Berlin Studies Transnational Journal Of Science And Humanities*, 2(1.5 Pedagogical Sciences).
20. Mukhtorovna, Y. S. (2021). Regularly Used Phrasal Verbs German Language. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 673-680.
21. Inter, F. L. I. (2017). *An International Multidisciplinary Research Journal*. *An International Multidisciplinary Research Journal*, 41(43).
22. Yusufjonova, S. (2020). Comparative Analysis Of Phrases In Uzbek And German. *Theoretical & Applied Science*, (2), 590-592.
23. Yusufjonova, S. (2021). Certain Linguistic Peculiarities Of Phraseological Units. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(2), 289-293.
24. Mukhtorovna, Y. S. (2022). Historical Development Of Translation Of Phraseologicalunits. *International Journal Of Culture And Modernity*, 14, 20-29.
25. Teshaeovich, D. I. (2022). Scientific-Theoretical Bases And Principles Of Speech Etiquette Units In World Linguistics ("Etiquette De La Parole"). *International Journal Of Culture And Modernity*, 14, 39-42.
26. Raxmonalievna, A. G. (2022). Lexical Units Related To The Education System In A Comparative Study Of Different Languages. *Spanish Journal Of Society And Sustainability*, 6, 1-6.
27. Абкаримова, М. Б. (2021). Шахссиз Гапларнинг Функцияси Ва Уларнинг Ўзбек Тилидаги Таржимаси. *Scientific Progress*, 2(2), 1509-1513.
28. Гозалксон, А. (2020). Yozish Konimkasini Shakllantirish Usullari. *Наука И Образование*, 1(2), 400-404.
29. Жураева, М. Т. К., & Астонова, Г. Р. (2019). Использование Социальных Форм Для Повышения Эффективности Занятий (В Нефилологическом Направлении). *Вестник Науки И Образования*, (20-3 (74)), 20-22.
30. Астонова, Г. Р. (2020). Стихи И Песни Как Мотивационный Фактор В Изучении Немецкого Языка. *Проблемы Современной Науки И Образования*, (6-1 (151)), 88-90.

31. Астонова, Г. Р. & Жураева, М. Т. К. (2019). Развитие Письменной Компетенции Студентов На Уроках Немецкого Языка. Проблемы Современной Науки И Образования, (12-1 (145)), 99-101.
32. Астонова, Г. Р. (2021). Германиядаги Таълим Босқичлари Ҳақида Айрим Мулоҳазалар. Eurasian Journal of Academic Research, 1(9), 273-277.
33. Астонова, Г. Р. (2021). Германия Бошланғич Ва Ўрта Таълимнинг Ўзига Хос Жихатлари. Eurasian Journal of Academic Research, 1(9), 95-98.
34. Астонова, Г. Р. (2021). Бошланғич Синфларда Олмон Тилини Ўқитишнинг Самарали Усуллари. Scientific Progress, 1(6), 1304-1309.
35. Rakhmonalievna, A. G. Z. (2019). Use Of Group Work At The Lessons Of The German Language. Проблемы Современной Науки И Образования, (12-2 (145)), 158-160.
36. Gozalxon, A. (2020). Yozish Konimkasini Shakllantirish Usullari. Science And Education, 1(2), 400-404.
37. Rakhmonalievna, A. G. (2022). Vocabulary Learning Strategies In German As Foreign Language Lessons. American Journal Of Social And Humanitarian Research, 3(1), 339-341.
38. Rakhmonalievna, A. G. (2021). The Role of Creativity In Foreign Language Lessons. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 1(6), 103-105.
39. Rakhmonalievna, A. G. (2021). Importance of Writing Skills In Early Foreign Language Lessons. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(05), 607-610.
40. Raxmonalievna, A. G. (2022). Lexical Units Related To The Education System In A Comparative Study Of Different Languages. Spanish Journal Of Society And Sustainability, 6, 1-6.
41. Rakhmonalievna, A. G. (2021). System of Vocational And Higher Education In Germany. System, 7(12).
42. Akhrorova, R. U. (2021). The Linguistic Image Of The World And The Gender Aspect Of The Concept Of " Age" In French And Uzbek. Theoretical & Applied Science Учредители: Теоретическая И Прикладная Наука,(9), 585-589.
43. Ahrorova, R. U. (2021). Semantic Analysis Of Phraseological Units Representing "Youth" In French And Uzbek Languages. Theoretical & Applied Science, (7), 122-126.
44. Ahrorova, R. U. (2020). Semantic Analysis Of Phraseological Units Representing Age Periods In French And Uzbek Languages. Theoretical & Applied Science, (3), 186-189.
45. Akhrorova, R. (2022, April). Lexical-Semantic Expression Of Early Youth/Jeunesse In French. In Международные Научные Конференции С Высшими Учебными Заведениями (Vol. 2, No. 18.03, Pp. 617-620).